МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 8 октябрь,
№85 (1052)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

# Халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 6 октябрь куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.**

Андижон вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўринга эга. Ривожланган саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги, фидойи инсонлар меҳнати барча соҳаларни изчил тараққий эттиришда муҳим омил бўлмоқда. Вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётир.

Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида шу йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий қиймати 253 миллиард сўмлик 2 минг 815 лойиҳа амалга оширилди ва 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, бундай субъектлар экспорт фаолиятига жалб этилаётгани самарасида вилоятда хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажми муттасил ошиб бормоқда.

Жорий йилда вилоятда 80 минг гектардан ошиқ майдонда ғалла экилиб, 500 минг тоннага яқин ҳосил олинди. Бугунги кунда 93 минг 400 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги «Кўҳна водий баҳори» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар, вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган шу кунларда сизлар билан учрашиш, барчангизга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон бутун иттифоқни пахта билан таъминлаган. Лекин шунга яраша ҳурмат, рўшнолик кўрмаган. Халқимиз ишдан қўли совиб, ҳаётдан ноумид бўлиб қолган эди. Биз ерни одамларга бериб, уларда эгалик ҳиссини шакллантириш орқали бу асоратлардан халос бўлдик. Чунки ўзимизники деган туйғу одамга куч-қувват бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Президентимиз пахтачиликда муайян ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп, деди Ислом Каримов. Эртапишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги, толасининг узунлиги, пишиқлиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, аввалambor, нав танлашда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар бир ҳудуднинг тупроғи ва иқлимига мос навларни экиш керак.

Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларнинг яшаш тарзи, онгу тафаккури ўзгараётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз кундан кун чирой очиб бораётгани, буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик шарофати экани таъкидланди. Ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиб, барча соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини ғурурга тўлдираётгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз Олтинкўл тумани «Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилган замонавий уй-жой массивини бориб кўрди.

Бу йил вилоятнинг 31 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 977 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги массивларда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. Маҳалла гузарлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари бунёд этилди.

«Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғинидаги массивда ҳам деҳқон бозори, савдо мажмуаси, нон цехи, стадион, болалар ўйин майдончаси ва дам олиш жойлари қурилди.

Президентимиз янги лойиҳа асосида уй-жой қурилиши учун ажратилган ер майдони 6 сотих қилиб белгилангани, автомобиль учун алоҳида дарвоза ва уни сақлаш учун махсус жой кўзда тутилгани, хоналар халқимизнинг менталитети ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилгани, улар майдони кенгайгани одамларимизнинг талаб ва истакларига жавоб беришини қайд этди.

Ислом Каримов янги уй соҳибларидан бири — Отабек Қобулов хонадонида бўлиб, бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди, хонадон соҳибларининг ҳаёти, орзу-истаклари билан қизиқди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида мана шундай замонавий, кўркам уйга кўчиб ўтдик, — деди хонадон соҳибаси Нигорахон Қобулова. — Бу ерда оила учун барча шароит ва қулайлик яратилган. Бу айниқса биз, аёлларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган. Бундай юксак ғамхўрлик, қишлоқ аҳлига кўрсатаётган доимий эътиборингиз учун Сиздан жуда миннатдормиз.

Бу саъй-ҳаракатларимиз инсон учун, фарзандларимизнинг келажаги учун. Бундай уйларда яшаган болалар ҳар томонлама соғлом, мустақил фикрли бўлиб вояга етади. Чунки инсоннинг яшаш тарзи унинг дунёқарашига ҳам таъсир қилади. Биз бир пайтлар орзу қилганимиздек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ аҳли ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга ҳақли эканини ва бу йўлда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш лозимлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Андижон шаҳридаги Истиқлол кўчаси ва бу ерда қад ростлаган замонавий бинолар билан танишди.

Амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида кўча сўлим сайилгоҳга айланган. Замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фаввора ва ўриндиқлар бунёд этилиб, аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун кенг қулайлик яратилган.

Президентимиз кўча қиёфасини янада яхшилаш, биноларга безак беришда ранглар мутаносиблигини таъминлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлиб, аҳоли фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

**Анвар САМАДОВ, Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА махсус мухбирлари.**

# Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди




***Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.***

**Ислом КАРИМОВ**

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида XVII ёзги Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ушбу мусобақаларда спортнинг 31 турида иштирок этиб, 44 медаль, яъни 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритди. Жамоавий баҳслар ҳисобга олинганда мамлакатимиз спортчилари жами 61 медалга (12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медаль) сазовор бўлди.

Осиё ўйинларида қитъамизнинг 45 мамлакатидан 13 мингдан зиёд спортчи 36 спорт тури бўйича 437 медаллар жамланмаси учун ўзаро баҳслашди. Улар орасида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари кўпчилик экани мусобақаларнинг кескин ва муросасиз кечишини таъминлади.

Осиё ўйинларида Ўзбекистондан 228 спортчи бокс, бадиий гимнастика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, дзюдо, оғир ва енгил атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, сузиш, велоспорт ва бошқа спорт турлари бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. Улар ўзларининг ёрқин чиқишлари ва эришган юксак натижалари билан Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилаётганини яна бир бор намойиш этди ва Ватанимиз шаънининг бутун дунёда янада улуғланишига ҳисса қўшди. Энг муҳими, Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан ҳеч қачон кам бўлмагани ва кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

Спортчиларимиз бундай имконият ва юксак марраларга мустақиллигимиз шарофати туфайли эришди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, спорт соҳасини тубдан ислоҳ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Кўплаб замонавий спорт иншоотлари барпо этилди ва бу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Улар сифатли инвентар ва ускуналар билан жиҳозланмоқда, соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда, спорт ва жисмоний тарбия ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича тўлиқ янгиланган тизимнинг муҳим узвий қисмига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва болаларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

> [4]

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми



**Муқаддас ислом дини моҳиятида мужассам бўлган эзгулик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, мурувват ва саховат каби хайрли амалларни ёшлар онгига сингдириш, миллий анъана ва қадриятларимизни сақлаш, аждодларимизнинг бой маънавий меросини тарғиб қилишда Қурбон ҳайити муҳим аҳамият касб этади.**

**Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 26 сентябрдаги «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур айём мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда нишонланди.

Ушбу айёмни жойларда тартибли ва халқимизнинг миллий қадриятларига мос тарзда ўтишини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, ҳудудий бўлим ва бўлинмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда кўламли ишларни амалга оширди. Хусусан, ҳайит кунларида юртимиздаги ҳар бир маҳалла, овул ва қишлоқда ёлғиз кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, нуронийлар ҳолидан хабар олинди. Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

— Қурбон ҳайити эзгу амаллар айёмидир. Уни ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва саховат руҳида кутиб олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Фонднинг республика бошқаруви, ҳудудий бўлим ва бўлинмалар, фуқаролар йиғинлари томонидан 10 мингдан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ёлғиз кексаларга ҳамда элликка яқин Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига моддий кўмак берилди.

> [2]

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

# Фарзанд саломатлиги ҳамиша эътиборда

**Соғлом бола — юрт истиқболининг таянчи. Шу эзгу мақсад боис мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» дастури умуммиллий ҳаракатга айланиши баробарида хотин-қизлар саломатлигини таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказишнинг самарали тизими шакллантирилди.**

**Замира УЗОҚБОЕВА, Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси бош педиатри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими.**

Дастур доирасида соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Замонавий диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар, замонавий техника билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Натижада ўтган йиллар давомида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келадиган вазн ва бўй кўрсаткичига эга, мутлақо соғлом болалар туғилиши 92 фоизни ташкил қилди.

Мени ғурурлантирадиган жиҳат — ана шу жараёнда ўзимнинг ҳам бевосита иштироким, озми-кўпми ҳиссам борлиги. Салкам чорак асрдан буён Шуманай тумани поликлиникасида болалар шифокори бўлиб ишлаб келяпман. Қайд этиш ўринлики, мен иш бошлаган кезлари болаларнинг ирсий касаллик, турли нуқсонлар билан туғилиши жуда кўп учрарди. Баъзилар буни минтақада иқлим ўзгариши билан изоҳлашга уринишар, аммо соғлом онадангина соғлом бола туғилиши, аввало оналар саломатлигини мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида деярли гапирилмасди. Бугун эса, Президентимиз ғамхўрлиги туфайли болажонларимиз туғилмасиданоқ юксак эътибор оғушида.

> [2]



РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# Муаззам ва муҳташам мажмуа

**Маҳалламиз ҳудудида пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган муҳташам бинолар, шаҳарсозлик қоидаларига уйғун қурилган иморатлар талайгина. Яқинда улар қаторига миллий ва замонавий меъморчилик андозалари асосида қад ростлаган «Минор» жоме масжиди қўшилди.**

**Ўткир МУҲАММАДЖОНОВ, Юнусобод туманидаги «Минор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Табаррук қадамжонинг очилиш маросимида муҳтарам Юртбошимиз иштирок этиб, қисқа фурсатда барпо этилган ушбу мажмуанинг Қурбон ҳайити арафасида фойдаланишга топширилганида улкан рамзий маъно мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва амалий таклифлари асосида қурилган файзли масканга ташриф буюрган киши баҳаво айвонлар, миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлар, бино қуббасидаги олтин суви билан зийнатланган нақшларни кўриб баҳридили очилади.

Ҳудудимиздаги ушбу меъморий мажмуа Қурбон ҳайити куни янада серфайз ва фусункор қиёфа касб этди.

> [2]

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми

< [1]

Шунингдек, Фонднинг республика бошқаруви томонидан ҳайит куни Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 100 та кам таъминланган оилага 9 турдаги 4 миллион 757 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Бу каби хайрли амаллар юртимизда инсон манфаати ҳар нарсадан устун эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ушбу айём миллатимиз маънавиятига хос меҳр-оқибат, аҳиллик, ўзаро ҳурмат-иззат сингари фазилатларни юртдошларимиз қалбида янада мустаҳкамлаб, ёш авлод онгига сингдириб эртанги кунимизнинг янада чароғон бўлишини, эзгу мақсадларимиз ижобатини таъминлаш учун қулай фурсатдир.

Фонд ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларини жалб этган ҳолда, имом-хатиблар кўмагига таяниб, аҳоли ўртасида Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини тарғиб этиш, Соғлом бола йилида оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни истиқлол ғоясига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган 8 ярим мингдан зиёд тарғибот тадбири ташкил этилди.

Муҳими, тадбирларда миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва ўзаро меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, уларнинг руҳий ва маънавий оламини янада юксалтиришга эътибор қаратилди. Бунда фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда маҳаллалар қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар аъзоларининг тизимли иш олиб боргани яхши самара берди.

Қурбон ҳайитини саранжом-саришталикда, юртимизни янада обод этган ҳолда кутиб олиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Ҳайит арафасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимларини жалб этган ҳолда республикамиздаги 400 дан зиёд тарихий обидалар, қадамжолар ҳамда олти мингдан ортиқ қабристон ободонлаштирилди.

Маҳаллалар ҳудудидаги талабга жавоб бермайдиган масжидларда ҳайит намозлари ўқилишининг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилди. Маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари ҳамкорликда ҳайит намози ўқиладиган масжидларда навбатчиликлар ташкил этилди.

Халқимиз Қурбон ҳайитини тегишли тартиб-таомилларга амал қилган ҳолда тинчлик ва хурсандчиликда ўтказиб, юртимизга фаровонлик, хонадонларимизга баракалар ёғилишини сўраб дуога қўл очдилар.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# Муаззам ва муҳташам мажмуа

< [1]

Шу куни пойтахтимизнинг 11 та туманидан 60 нафардан маҳалла фаоллари ушбу муқаддас қадамжода байрам намозини адо этиш шарафига муяссар бўлдилар. Улар масжидда мўмин-мусулмонларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари учун яратилган шарт-шароитларга юксак баҳо бердилар.

Меҳмонлар аждодларимиз, хусусан, Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанд шаҳрида қурдирган муҳташам меъморий мажмуалари асрлар ўтса-да халқимизнинг донишмандлигини ифода этиб тургани каби янги «Минор» масжиди ҳам юз йиллар давомида эзгуликка хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

Маҳалламиз файзига файз қўшган ушбу масканнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди. Зотан, имон-эътиқод, меҳр-оқибат ва мурувват каби фазилатлар барқарор жойда тараққиёт бўлади, аҳоли турмуши фаровонлашади.

Чунончи, истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг олис ҳудудларидаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ҳам мукаммал таъмирланиб, файзли масканларга айлантирилди. Шу боис ушбу табаррук қадамжолардан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Энг муҳими, юртдошларимиз аждодларимиз мангу қўним топган масканларга ташриф буюриб, Ватанимизни янада тараққий этишини Яратгандан сўрамоқдалар.

Юртимиз аҳолисининг орзу-интилишлари, эзгу ниятларини ўзида мужассам этган ушбу муаззам меъморий мажмуа маънавиятимизни янада юксалтиришга, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бунда нуронийларимиз кўмагига таяниш ҳар жиҳатдан самаралидир.

Бундай учрашувларда нуронийлар навқирон авлод вакилларига истиқлол йилларида миллий урф-одат ва қадриятларимиз тикланиб, муқаддас динимизга қаратилаётган эътибор туфайли алломаларимизнинг бой мероси ўрганилаётгани, азиз авлиёларнинг қадамжолари обод қилинаётгани ҳақида гапириб беришади. Шунингдек, улар ёшларни бугунги дориламон кунларнинг қадрига етишга, тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишга чақиради.

Масжиднинг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда йиғинимиз фаоллари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Энг муҳими, янги масжид ишга тушиши билан пойтахтимиз тарҳига соя ташлаб турган пастқам уйлар ўрнида ҳамда «Бўзсув» канали ёнида сайилгоҳ барпо этилди. Ўрда майдонидан «Минор» масжиди томон анҳор бўйлаб пою пиёда йўлга чиққан киши азим шаҳримизга хос чинакам тароватни туяди.

Ҳа, ҳудуд қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборган ушбу муаззам мажмуанинг Қурбон ҳайити арафасида фойдаланишга топширилгани нафақат маҳалладошларимизга, айни пайтда пойтахтимиз ҳамда юртимиз мўмин-мусулмонларига муносиб байрам туҳфаси бўлди.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

# Фарзанд саломатлиги ҳамиша эътиборда

< [1]

Жорий Соғлом бола йили ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларга янгича руҳ ва куч бағишлади. Давлатимиз раҳбарининг «2014-2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилингани ҳам аслида аёллар саломатлигини асраб-авайлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган ғамхўрлик ифодасидир.

Туманимизда аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда. Фуқароларга 9 та овул врачлик пунктлари замонавий ва тезкор тиббий хизмат кўрсатаётир. Вояга етмаганларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бугун янада долзарб аҳамият касб этган. Жумладан, 18 ёшга тўлмаганларга 160 та қатновга эга болалар маслаҳатхонаси, 30 ўринга мўлжалланган болалар бўлими хизмат кўрсатади.

Болалар орасида касалликларни эрта аниқлаш мақсадида ҳар йили мунтазам диспансерлик текширувлари ўтказилади ва аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш ишлари олиб борилади. Болаларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказишни тумандаги 12 та фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ташкиллаштираётирмиз. Айниқса, туман марказидан 30-40 километр узоқликдаги Кетеллер, Бирлешик, Бегжап ҳамда Деҳқонобод овулларида ҳам ушбу тиббий тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди. Натижалар эса қувонарли. Ўсмирлар ўртасида илгари кўп кузатиладиган камқонлик, сколиоз, ревматизм каби касалликлар кўрсаткичи пасайиб бормоқда. Туманимиз болаларининг 90 фоизи қамраб олинган мазкур кўриклар натижасида аниқланган касалликларни бартараф этиш учун соғломлаштириш ишлари бошлаб юборилган.




Таъкидлашни истардимки, бола саломатлигида уни кўкрак сути билан парваришлашнинг фойдаси беқиёс. Бирлашмамиз шифокорлари ва овул фаоллари бу борада ҳам тарғибот тадбирларини мунтазам ташкиллаштиришади. Қолаверса, аҳолини, айниқса, ёшларни спортга оммавий жалб этиш ҳам саломатликни тиклашда энг самарадор профилактик жараёндир. Айни пайтда туманда мунтазам равишда ва жисмоний тарбия билан шуғулланаётган 6-18 ёшдаги ўқувчиларнинг ёш ва жинс гуруҳлари бўйича электрон базалар ташкил этилишида асосий ҳамкоримиз — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмасининг ташаббуси катта бўлди. Болаларнинг соғлиғи ва ўсиш кўрсаткичини ўрганиш бўйича ўтказилаётган мониторинг ишлари давом этмоқда.

Мустақиллигимиз шодиёналари арафасида Президентимиз фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвонига сазовор бўлдим. Бу улкан мукофот, албатта, мен учун чексиз қувонч, кутилмаган бахт бўлди. Юксак унвон нафақат менга, балки мамлакатимизнинг энг чекка ҳудуди — Шуманай тумани аҳолисига билдирилган эътибор, уларнинг саломатлиги учун ғамхўрлик намунасидир. Қолаверса, Шуманай туман тиббиёт бирлашмаси жамоасининг меҳнатига берилган юксак баҳо ҳам. Келгусидаги фаолиятимиз эса ана шу ишонч ва рағбатни оқлашга қаратилиши шубҳасиз.

«MAHALLA» КЎЗГУСИДА

# «Хончорбоғ»да янги гузар




**Олмазор тумани «Хончорбоғ» маҳалласи аҳолиси замонавий, кўркам ва қулай гузарга эга бўлди. Яқинда фойдаланишга топширилган янги гузар маҳалла тароватига янада файз қўшди.**

**Юлдуз ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**

— Икки қаватли шинам бинода аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратилди, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Маҳкамова. — Биринчи қаватда маҳалла идораси: раис, маслаҳатчи, масъул котиб, сардор учун алоҳида хоналар, ҳудуд милиция таянч пункти, 60 кишилик мажлислар зали жойлашган. Замонавий жиҳозланган, ёруғ ва шинам хоналарда ишлаш фаолиятимиз самарадорлигини оширади, албатта.

Янги гузарда «Аёллар маслаҳатхонаси» ҳам иш бошлайди. Шунингдек, биринчи қаватдан дорихона ва тиббиёт хонаси, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси ҳам ўрин олган.

Гузар биносининг иккинчи қавати маҳалла ўғил-қизларининг энг севимли масканига айланиши шубҳасиз. Айниқса, махсус хонада ташкил этилган болалар кутубхонаси ёш авлод вакилларининг маънавий дунёсини бойитиб, уларни илму маърифатга, адабиётга ошно этади. Бундан ташқари, яна кўплаб тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади.

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

# Очиқлик ва ошкоралик таъминланади

**Ҳозирда юртимизнинг барча маҳаллаларида муҳим сиёсий жараён — жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.**

**Ашурали БОЙМУРОД**
**«Mahalla»**

Бу жараёнларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар ҳам фуқаролар йиғинларининг сайловлардаги иштирокини тартибга солади.

Қонуннинг 11-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига, шунингдек, референдум ўтказиш бўйича участка комиссияларининг аъзолигига номзодларни референдум ўтказиш бўйича тегишли округ комиссияларига тақдим этишида ҳамда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилишига доир ваколатлари мустаҳкамланган.

Қонуннинг 13-моддасида эса, фуқаролар йиғини кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда кўмаклашишига оид ваколатлари ўз ифодасини топди.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилоятидаги 1158 та фуқаролар йиғинида «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди.

Вилоятда 60 та сайлов округи ва 86 тадан ортиқ сайлов участкаси ташкил этилди. Вилоят ҳокимининг 2014 йил 20 сентябрдаги «Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги қарорига асосан жойларда сайлов комиссиялари иш бошлади. Уларда маҳалла мутасаддилари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Вилоятнинг Бўка туманида ҳам бу каби ишлар изчил амалга оширилаётир. «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 79-, «Маданият» маҳалласида Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 20-Бўка ҳамда «Бўстон» маҳалласида 21-Бўстон сайлов округлари тузилди.

Халқ депутатлари Бўка туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясининг раиси ва саккиз нафар аъзоси рўйхати тасдиқланди.

— Сайловларнинг очиқ ва ошкоралиги, аввало, сайловчиларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла-тўкис билиб олишларига боғлиқ, — дейди туман ҳокимлигининг Ташкилий-назорат гуруҳи етакчи мутахассиси Шерзод Раҳматуллаев. — Ҳар бир сайловчи сайлов округлари ва участкаларини тузишга, комиссияларнинг таркиби, улар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Сайлов комиссиялари фуқароларни сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар билан яқиндан таништиради. Депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлардан хабардор қилади. Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишишлари мумкин.

Энг муҳими, сайловлар жараёнида очиқлик ва ошкоралик таъминланиши учун шарт-шароитлар яратилган. Бунда фуқаролар йиғинлари мутасаддилари фаол иштирок этаётгани эътирофга молик.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

# Маслаҳатчи ҳар ишда тарғиботчи ва кўмакчи

**Бугун фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимида катта ҳаётий тажрибага эга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, миллий анъана ва урф-одатлар ривожига ижобий таъсир кўрсата оладиган фаол хотин-қизлар хизмат қилаётир.**

**Саодат АЛИМОВА,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Зомин тумани бўлинмаси бош мутахассиси.**

Маслаҳатчилар жойларда оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, айниқса, ҳуқуқий мавзулардаги тадбирларни ўтказишда давлат органларига яқин кўмакчи бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, маслаҳатчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини мунтазам ошириб бориш фаолиятимизнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланаётир. Аёллар ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот, аввало, оила билан узвий боғлиқ. Чунки маҳаллаларда ташкил этилаётган ҳуқуқий тадбирлар оилавий ҳаёт билан боғланмаса, кутилган натижани бермайди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ишлашда, уларга услубий кўмак беришда шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратаётир.

Айни пайтда туманимиздаги мавжуд фуқаролар йиғинларида 35 нафар маслаҳатчи ишлайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Намунавий низом асосида ўз фаолиятини олиб бораётган маслаҳатчилар ҳуқуқий тарғиботда етакчилик қилмоқда. Улар тадбир мавзуларини бевосита маҳалла ҳаёти билан боғламоқда, оиладаги ҳуқуқий муносабатлар таҳлил қилинмоқда. Учрашувларда ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти, никоҳнинг ҳуқуқий асослари ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Бу эса кутилган натижаларни бермоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар режамизда ҳам маслаҳатчиларнинг ҳуқуқий билим ва малакаларини оширишга алоҳида ўрин берганмиз. Ушбу тадбирлар режаси асосида семинарлар ўтказиб келяпмиз.

Бундан ташқари, жойларда ташкил этилаётган давра суҳбатлари, семинар ва бошқа тадбирларда хотин-қизлар ҳуқуқлари, оилавий муносабатлар, диний мавзулар билан чекланиб қолинаётгани йўқ. Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбиркорлик тўғрисидаги ҳуқуқий билимларни юксалтиришга ҳам алоҳида урғу берилмоқда. Бу йўналишда маслаҳатчиларимиз йиғинлар қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзолари билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида қатор тарғибот тадбирларини олиб бораётирлар.



Аҳолининг ўз ҳуқуқларини яхши билиши ҳар қандай жамиятнинг ютуғидир. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз билан жамиятда аёллар фаоллигини ошириб, оилалар тинчлигини таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қолаверса, ажримлар сонини кескин камайишига эришяпмиз.

НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

# Ҳар бир кун ғанимат, ҳар вазифа муҳим синовдир

**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Энг намунали бўлинма» танловининг Тошкент вилояти босқичида Фонднинг Ангрен шаҳар бўлинмаси ғолибликни қўлга киритди.**



■ **Садоқат МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

Айни пайтда шаҳардаги 52 та фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган 206 нафарга яқин маҳалла фаоли учун қулай меҳнат шароити яратилган. Бугун бундай қулайликлардан нафақат мутасаддилар, балки йиғин аҳолиси ҳам мамнун.

Бўлинмада ходимлар учун барча шарт-шароит яратилган бўлиб, компьютер жамланмаси, мебель жиҳозлари иш унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир фотокўргазмалар, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларга оид маълумотлар маҳалла фаолларига қўл келаётир.

Аҳолига муносиб хизмат кўрсатишда йиғинларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамлиги муҳим аҳамиятга эга. Бўлинма томонидан бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Облиқ» маҳалласининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, «Дорилфунун» маҳалласи биноси капитал таъмирланди. Шунингдек, «Гўзал» маҳалласида болалар майдончаси бунёд этилди. «Озодлик», «Истиқбол», «Ёшлик» ҳамда «Тараққиёт» йиғинлари ёшлари ихтиёрига тез орада футбол майдончалари топширилади. Жорий йилда бўлинма ҳисобидан 6 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси олиб берилди.

«Намунавий маҳалла» дастури доирасида шу пайтгача «Тараққиёт», «Наврўз» ҳамда «Жигаристон» маҳалла фуқаролар йиғинлари намунали ҳолатга келтирилди.

Бўлинмада фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ўқув-семинарлари мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

— Ҳududдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида илғор тажрибаларни оммалаштириб келмоқдамиз, — дейди Фонд бўлинмаси раиси Отабек Аноров. — Улар фаолиятини аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришни мақсад қилганмиз. Бўлинмамизда амалий кўмак кўрсатиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган: фуқаролар йиғинига ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳафтанинг муайян кунлари маҳалла раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, масъул котиблар ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари учун услубий кун, деб белгиланган. Бу тадбирлар фаолларнинг иш жараёнини тизимли йўлга қўйишда яхши натижа бермоқда.

Бундан ташқари, Фонд бўлинмаси ташаббуси билан ҳар ойда фуқаролар йиғинларида турли мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилаётир. Жорий ойда «Янги ҳаёт», «Чинниобод», «Нурободт» ҳамда Улуғбек номидаги маҳаллаларда асосий йўналишларга доир комиссиялар ишини мувофиқлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар маҳаллаларда тажриба орттирилишига, мавжуд камчиликларнинг бартараф этилишига омил бўлмоқда.

— Бўлинма томонидан ташкил этилаётган учрашув ва давра суҳбатлари ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда, — дейди «Нурobod» маҳалласи раиси Абдужалил Эшонқулов. — Бундай тадбирларда асосий йўналишлар бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этишда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида кенг маълумотларга эга бўламиз.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 15 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳududида новвойлик, сартарошлик, тикувчилик, касаначилик, зардўзлик ва бошқа ҳунармандчилик йўналишлари бўйича иш бошланди.

Ёшлар маҳаллалар қошида ташкил этилаётган турли хил тўгаракларга ҳамда уста-ҳунармандларга бириктирилмоқда. Чунончи, «Чотқол» ҳамда «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида 75 тадан зиёд оилада тўқувчилик, тикувчилик, зардўзлик ҳамда каштачилик сингари уй меҳнати ташкил этилиб, 140 нафардан зиёд ёш ҳунарга жалб қилинди.

Бўлинма Ангрен шаҳридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириб бормоқда. Бу йиғинларнинг танловларда ижобий ютуқларга эришиб келаётганида ҳам ўз тасдиғини топаётир.

ҚУЛАЙЛИК

## Деҳқон бозори энди янги бинода

**Маҳалламиз Ғиждувон туманининг марказида жойлашгани боис ҳududимиз аҳолисининг аксарияти тадбиркор сифатида «Хўжаи Жаҳон» буюм бозорида маиший хизмат кўрсатиш йўналишида фаолият юритади.**

■ **Марзия ФАТТОЕВА,**
**Ғиждувон туманининг Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоли.**

Бозордаги маҳсулотлар сифати ва ҳамёнбоплиги билан нафақат туманда, балки вилоятда ҳам харидоргир. Бироқ ана шундай гавжум маскан бир неча йиллардан буён тартибсиз, санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид тарзда ишлаб келарди.

Жорий йилда Юртбошимизнинг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тадбиркорлар ва харидорлар учун қулай бўлган бозорнинг янги биноси қурилиши бошланди.

10,5 гектар ер майдонида барпо этилаётган мазкур савдо мажмуаси мингта турғун савдо дўкони, шунингдек, икки қаватли маъмурий бино, мини банк, 32 ўринли меҳмонхона ва бошқа иншоотларни қамраб олган.

Йил якунига қадар янги бозор биноси тўлиқ қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

## Замонавий лойиҳалар асосида

**Қувасой шаҳридаги «Ҳамдўстлик» маҳалласида 48 та хонадонга мўлжалланган дастлабки тураржой биноси фойдаланишга топширилди.**

■ **Р. КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Йиғиндаги ёш оилаларнинг бир нечтаси янги уйларга кўчиб ўтди.

— Уйимизда барча шароитлар яратилган, — дейди янги уй соҳиби Акмал Машарипов. — Биз ёшларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдормиз.

Ҳа, замонавий лойиҳалар асосида амалга оширилаётган бу каби бунёдкорлик ишлари аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Нурли йўлликларнинг мақсади ойдин

**Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Нурли йўл» маҳалласи аҳлининг аксарияти деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Кейинги йилларда йиғин фаоллари маҳаллани оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга ҳаракат қилишмоқда. Натижада ишбилармонлар сафи кенгайиб, аҳоли фаровонлиги юксалаётир.**

■ **Элёр БОЙМИРЗАЕВ.**



— Юртимизда қарор топаётган қулай тадбиркорлик муҳити ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганларга катта имкониятлар эшигини очмоқда, — дейди йиғин раисаси Насиба Ҳайдарова. — Айни пайтда ҳududимизда ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларида фаолиятини бошлаган 20 нафардан зиёд фуқаро оиласи бюджетига қўшимча даромад олиб кириш билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Бунда йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиясининг услубий ва амалий ёрдами қўл келаётир. Комиссия аъзолари аҳолига мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга яратиб берилган шароит, солиқ тўлашдаги имтиёзлар ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтиришяпти.

Бу ишда маҳалламизга бириктирилган туман солиқ инспекцияси ходими ҳам кўмаклашмоқда. Хусусан, Орифжон Эргашев йиғинда ўтказилган «Оилавий бизнес — фаровонлик омили» мавзусидаги тадбирда қатнашганидан сўнг оилавий бизнесини йўлга қўйишга аҳд қилди. Йиғиннинг тегишли комиссияси аъзолари билан маслаҳатлашиб, улар кўмагида қурилиш моллари дўкони очиб, 7 нафар ёшни ишли қилди.

Маъруф Останақулов эса банкнинг мақсадли кредити эвазига фаоллар томонидан ҳудуд марказидан ажратилган ер майдонида кичик цех ташкил қилиб, замонавий алюмин эшик-ромлари ишлаб чиқара бошлади. Натижада 4 нафар оила аъзосидан ташқари, маҳалладошларидан яна 3 нафарининг бандлигини таъминлади.

Маҳаллада аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам ривожланмоқда. Кейинги йилларда 4 та озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилиб, аҳолига муайян қулайликлар яратилди. Яқинда тадбиркор Отабек Эрназаров ҳам мазкур йўналишда умумий овқатланиш шохобчасини ишга туширди.

Маҳаллада касаначилик яхши йўлга қўйилган. Ўн нафардан зиёд хотин-қиз тикувчилик ортидан рўзғорини тебратмоқда.

Азалдан деҳқончиликдан барака топган қишлоқ аҳли томорқадан ҳам унумли фойдаланмоқда. Ҳududдаги деярли барча хонадон эгалари шахсий томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, йилига 2-3 мартадан ҳосил олиб, мўмай даромад топишмоқда. Қолаверса, Собир Намозов боғ барпо қилиб, олма, шафтоли ва гилосдан баракали ҳосилга эга бўлмоқда. Камол Мухторов эса узумчиликда бой тажриба тўплаган. Ҳалол меҳнатлари ортидан боғбон ва миришкорларнинг эски уйлари янгиланяпти, замонавий русумдаги машиналар харид қилишяпти.

Ҳудудда чорвачилик ва паррандачилик сингари сердаромад соҳалар ривожига ҳам эътибор қаратилаётир. Ҳозир оилаларда 1,5 минг бош қорамол, 300 бошга яқин қўй-қўзи ва 3 мингга яқин парранда парваришланяпти.

Сирасини айтганда, нурли йўлликларнинг мазкур соҳадаги илғор тажрибалари кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Бу эса мавжуд комиссия иши тизимли ва тартибли олиб борилаётганидан далолатдир.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# Мутаассиблик — дину диёнатга хатар

**Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида Ироқ ва Сурия мамлакатлари ҳududида қуролли «жиҳод» ғояси остида «Ироқ ва Шом ислом давлати» деб номланган террорчи гуруҳ гўёки «халифалик тузиш» даъвоси остида бузғунчилик ишларини амалга ошираётгани ҳақида хабарлар тарқатилмоқда. Хўш, бу қандай гуруҳ? Мусулмон оламининг унга муносабати қандай? Гуруҳ фаолиятининг жаҳон ҳамжамияти, хусусан, Марказий Осиё минтақаси учун хатарли жиҳатлари нималарда?**

■ **Ўткир ҲАСАНБОЕВ.**

Мазкур саволларга жавоб бериш учун аввал «Ироқ ва Шом ислом давлати» (бошқа номи — «Ироқ ва Левант ислом давлати») гуруҳининг вужудга келиш тарихига назар ташлаш лозим.

Гуруҳ 2006 йилда Ироқда «Ал-Қоида» террористик ташкилотининг Ироқдаги бўлинмаси ва бошқа бир неча террорчи гуруҳларнинг бирлашуви асосида «Ироқ ислом давлати» номи билан вужудга келган. Бош мақсад сифатида Ироқ, Иордания, Сурия каби мамлакатлар негизида сунний мусулмонларнинг ягона давлати — «халифалик»ни барпо этиб, уни босқичма-босқич Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари ҳисобига кенгайтиришни даъво қилади. 2010 йилдан буён ташкилотга Абу Бакр ал-Бағдодий номи билан танилган Абдулло Иброҳим ас-Самарий исмли шахс раҳбарлик қилмоқда.

2013 йилда «Ироқ ислом давлати» «Ал-Қоида»нинг Сурияда фаолият юритаётган «Жабҳа ан-Нусра» гуруҳи билан бирлашиши натижасида «Ироқ ва Шом ислом давлати» ташкилоти (ИШИД) тузилган. Бироқ ушбу гуруҳлар орасида қуролли низо чиқиши боис «Ал-Қоида» раҳбарлари ИШИДни тарқатиб юборган. Аммо «Ироқ ислом давлати» гуруҳи эндиликда «Ал-Қоида»га бўйсунмаслигини эълон қилган ва ИШИД номини сақлаб қолган. 2013 йилнинг охирида гуруҳ жангарилари Суриянинг Ракқа шаҳрини эгаллаб, ўз қароргоҳига айлантирган.

2014 йилнинг бошидан ушбу гуруҳ Ироқдаги фаолиятини кенгайтириб келмоқда. ИШИД мазкур мамлакатнинг шимоли ва ғарбидаги катта ҳududда, жумладан, Мосул, Рамади, Сулейманбек, Тикрит, Фалужа шаҳарларида тўлиқ ўз назоратини ўрнатишга эришган. Умуман, ҳозир ИШИД Ироқнинг шарқида жойлашган Диёл вилоятидан Суриянинг шимолидаги Ҳалаб шаҳригача бўлган катта ҳududни эгаллаб турибди. Шу нуқтаи назардан ИШИД энг хатарли террористик гуруҳлардан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Ташкилот тадбиркорларга «солиқ» солиш, одамларни гаровда ушлаб товон ундириш, босқинчилик қилиш, бошқа дин вакиллари ва ўзларига эргашмаган мусулмонларнинг мол-мулкини талон-торож қилиш, шунингдек, назорат остидаги ҳудудлардан олинган нефть хомашёсини сотиш ҳисобига ўз фаолиятини молиялаштириб келмоқда. Айрим мутахассислар Форс қўлтиғи мамлакатларидаги баъзи мутаассиб шайхлар яширин тарзда ИШИДга моддий ёрдам кўрсатиб келаётгани ҳақида ҳам фикр билдиришмоқда.

Гуруҳ ўз мақсадлари йўлида ўта шафқатсиз шаклларда террористик фаолиятни амалга ошириши билан ажралиб туради. ИШИД томонидан ҳарбийлар, шиа йўналишидаги мусулмонлар, умуман, ўз ғояларига эргашмаган фуқароларни оммавий қатл этиш, аҳоли гавжум жойларда худкуш террорчилик амалиётларини ўтказиш кенг қўлланилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ёз фаслида террорчилар Ироқда язидийлик эътиқодидаги 500 нафар эркакни, Тикрит шаҳрида жойлашган ҳарбий ҳаво кучлари билим юртининг 1700 нафар ёш курсантини қатл қилган. Маълумки, ислом дини аёлларни эъзозлашга чақириб, уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилади. ИШИД жангарилари эса шиа ва язидий эътиқодидаги хотин-қизларни зўрлаш, жория сифатида ишлатиш ёки қул қилиб сотишдек ғайриинсоний ҳаракатларга қўл уриб, эътиқод ва имондан йироқ эканликларини намойиш этмоқда.

Сўнгги вақтда жангарилар томонидан бир неча АҚШ ва Буюк Британия фуқароси ваҳшийларча намойишкорона ўлдирилди. 2014 йилнинг июнь ойида ИШИД назорат ўрнатган ҳудудида гўёки «халифалик» тузилгани ва эндиликда ушбу гуруҳ «Халифалик» деб номланиши ҳамда Абу Бакр ал-Бағдодийни «халифа» этиб сайлаганлари, барча мусулмонлар унга қасамёд келтириши («байъат») лозимлиги эълон қилинган.

«Халифалик» эълон қилинган ҳудудда ИШИД томонидан шариатни жорий қилиш даъвоси остида инсон ҳуқуқларини бузувчи ғайритабиий чекловлар ўрнатилмоқда. Масалан, эркакларга тор шим кийиш, аёллар кийими тикиладиган корхоналар ва сотиладиган дўконларда ишлаш ёки уларга кириш, соч-соқолини тараш, аёлларга эса эркак шифокорларга мурожаат қилиш, сочини турмаклаб қисқартириш, стулда ўтириш кабилар ман этилган. Кинотеатр, гўзаллик салонлари фаолияти, мусиқа тинглаш тақиқланган. Ушбу қоидаларни бузганларга дарра уриш, қўл ёки оёғини кесиш, қатл этиш каби жазо чоралари қўлланиши белгиланган.

Террорчилар эгаллаб турган ҳудудларда истиқомат қилаётган христианларга ҳар ой 250 АҚШ доллари миқдорида солиқ (жизя) тўлаш, ислом динини қабул қилиш ёки мамлакатни тарк этиш талаби қўйилган. Шиа йўналишидаги мусулмонларга нисбатан амалга ошираётган зўравонлик эса биргина Мосул шаҳридан 600 мингдан зиёд шианинг ўз уйларини ташлаб, қочиб кетишига олиб келди.

«Халифалик» даъво қилаётган террорчилар ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай разилликдан қайтмасликларини намойиш этмоқда. Хусусан, ташкилотнинг етакчиларидан бири Абу Туроб ал-Муқаддасий ҳатто Маккадаги Байтуллоҳни вайрон қилишдан тап тортмасликларини билдириб: «Биз Каъбани бузиб, унга сажда қилувчиларни ўлдирамиз», деб даъво қилган. ИШИД етакчилари ҳаж даврида Саудия Арабистонида ҳожиларга нисбатан террорчилик амалиётлари ўтказишларини «ваъда» қилиб баёнот берган.

Ҳозирги кунда Ироқ ва Сурияда жангарилар томонидан ўнлаб зиёратгоҳлар, шиа мусулмонларининг масжидлари, христианларнинг черков ва монастирлари вайрон қилинган.

Бу каби исломга буткул зид ишларга норозилик билдирган мусулмонлар эса аёвсиз жазоланмоқда. Масалан, 2014 йилнинг 14 июнь куни Мосул шаҳридаги «Ал-Исро» масжиди ёнида ташкилотга қўшилишдан бош тортган 12 та диний уламо намойишкорона қатл этилган.

ИШИД жангариларининг ваҳшийликлари ва ғайриинсоний фаолияти жаҳон ҳамжамияти томонидан қаттиқ қораланмоқда. Жумладан, 2014 йил сентябрь ойида БМТ мазкур гуруҳнинг фаолиятини инсониятга қарши жиноят сифатида баҳолаб, ташкилот билан алоқадор шахсларга санкциялар қўллаш юзасидан махсус баёнот қабул қилди. 2014 йилнинг июль ойида БМТ Хавфсизлик Кенгаши гуруҳ томонидан сотилаётган нефтни харид қилишни тақиқлаш бўйича қарор чиқарди. Жорий йилнинг сентябрида эса мазкур Кенгаш БМТга аъзо барча мамлакатларга террорчи гуруҳ таркибида фаолият юритаётган ёки улар учун янги жангариларни ёллаётган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича қонун жорий қилиш масъулиятини юкловчи қарор қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, ислом оламидаги етакчи уламолар ИШИД томонидан амалга оширилаётган хунрезликлар ва «халифалик» эълон қилинишига қарши ўзларининг салбий муносабатини билдирмоқдалар. Жумладан, 2014 йил 3 июлда Бутун олам мусулмон уламолари иттифоқи ИШИД томонидан эълон қилинган «халифалик»ни шаръан ботил ҳаракат, деб фатво чиқарди. Фатвода ислом таълимотига мувофиқ, ҳеч қайси фирқа ёки гуруҳга ўзбошимчалик билан «халифалик»ни эълон қилиш ҳуқуқи берилмагани таъкидланган.

Бутун олам мусулмон уламолари иттифоқи ташкилоти етакчиси, шайх Юсуф Қарзовий ИШИДнинг «халифалик» ҳақидаги даъвосини қаттиқ қоралаб: «Мамлакатни босиб олиш ва ярим аҳолисини қирғин қилиш исломга асосланган давлат қуриш эмас, балки терроризм ҳисобланади», деб баҳо берди.

Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Бош муфтийси шайх Абдулазиз бин Абдуллоҳ Ол Шайх ИШИД ва «Ал-Қоида» мисолида экстремизм, зўравонлик ва терроризм исломга зид ва душман ишлар деб кўрсатди. Саудия муфтийси мазкур гуруҳларни «хорижийлар(исломдан илк ажралиб чиққан мутаассиб оқим)нинг давомчилари», деб эътироф этди.

Миср уламолари Фатво Кенгаши дунё ҳамжамиятини ИШИДнинг исломга зид моҳиятини тўғри баҳолашга ва унинг ўзи даъво қилаётганидек «Ислом халифалиги», деб эмас, балки «Ироқ ва Сурiядаги «Ал-Қоида» айирмачилари», деб аташга чақирди. Миср Бош муфтийси Шавқи Аллом ИШИД жангарилари ислом таълимотининг барча тамойилларини бузмоқда, деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, террорчиларнинг «халифалик» барпо этиш даъвоси остида амалга ошираётган зўравонликлари, қон тўкишлари ва бошқа дин вакилларига зуғум ўтказишлари ислом дини таълимотига мутлақо зид. Қуръоннинг 50 дан зиёд сураси, юзлаб оятларида мусулмонлар тинчлик ва бағрикенгликка чақирилган. Бегуноҳ қон тўкканларга, шу жумладан, бошқа дин вакилига зуғум ўтказганларга қаттиқ жазолар белгиланган. Тинч юртда фитна чиқариш, халқнинг хавфсизлиги ва хотиржамлигини бузиб, таҳликага солиш катта гуноҳ ҳисобланиб, фитна чиқарган боғийлар (арабчада — «душманлик қилувчи») тоифасига киритилган. Уламолар ҳукмига кўра, боғий-фитначиларга қарши курашда ҳар бир фуқаро бор имкони билан ўз мамлакатига ёрдам бериши лозим.

Ҳозир ИШИД диний-экстремистик жангариларни урчитиш ва «малакасини ошириш» манбаи сифатида жаҳон ҳамжамиятига жиддий хавф туғдирмоқда. ИШИД ва унга маслакдош гуруҳлар томонидан «Интернет» тармоғи орқали Ироқ ва Сурiядаги жангариларнинг сафини кенгайтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозир Ироқ ва Сурия ҳududида ИШИД каби террористик ташкилотлар таркибида 80 дан зиёд мамлакат, шу жумладан, Марказий Осиё республикалари фуқаролари бўлган жангарилар мавжуд. Мазкур жангарилар келажакда «ҳомий»лари томонидан янги беқарорлик ҳудудларини юзага келтириш мақсадида ўз мамлакатларига йўналтирилмаслигига ким кафолат бера олади?

Таъкидлаш жоизки, исломда мусулмонлар ўз эътиқодларини эмин-эркин бажариб, тинч яшаб келаётган юртларини ташлаб кетишлари бўйича ҳеч қандай кўрсатма йўқ. Минглаб сурiялик ва ироқликлар урушдан безор бўлиб, жонларини сақлаш учун ўз юртларини тарк этишга мажбур бўлаётган бир вақтда, ота-онаси, яқинлари ва Ватанидан воз кечиб, қон тўкаётган ва бузғунчилик қилаётган кимсаларга бориб қўшилиш шариатга ҳам, умуминсоний қадриятларга ҳам асло тўғри келмайди.

Юқорида қайд этилганлардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда тинчликни асраш, фитналардан ҳушёр ва огоҳ бўлиш ушбу йўналишда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда ўз фарзандларини турли сохта ақидалар таъсиридан сақлаш ҳар бир ота-онанинг бурчи эканига эътибор қаратишимиз лозим. Айниқса, бугунги кунда хорижда ишлаётган ёки таҳсил олаётган ёшларни экстремистик оқимларнинг таъсиридан огоҳ этиш ва сақлаш, шунингдек, фарзандларимизни «Интернет» тармоғида ақидапараст кучлар томонидан гўёки Афғонистон, Покистон, Сурия, Ироқ каби ҳарбий тўқнашувлар кетаётган мамлакатларга «ҳижрат» қилиш ва «жиҳод»да иштирок этиш мусулмонларнинг бурчи экани ҳақида тарқатилаётган сохта даъволарга алданиб қолишларига йўл қўймаслигимиз зарур.

Зеро, муҳтарам Президентимиз 2014 йил 31 август куни «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида таъкидлаганларидек: **«Диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш — бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак».**

# Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди



< [1]

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нуфузли халқаро мусобақалар — ўсмирлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионати, таэквондо ва самбо бўйича Осиё чемпионати, эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатининг юксак савияда ўтказилгани боис дунёда Ўзбекистоннинг спорт мамлакати сифатида обрў-эътибори ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизда спорт ҳаракатини янада кенгайтириш, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз. Чунки бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Ўтган вақт давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ушбу эзгу мақсадларга эришишга қаратилган кўплаб лойиҳаларни амалга оширди. Жамғарманинг самарали фаолияти натижасида Ватанимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда барча замонавий шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда миллионлаб болалар ва ўсмирлар иштирокида анъанавий ўтказиб келинаётган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, маҳоратли спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу мусобақалар туфайли мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларида таълим олаётган миллионлаб ёшлар футбол, теннис, сузиш, шахмат, кураш, бокс, гимнастика, енгил атлетика ва бошқа кўплаб спорт турларида ўз маҳоратини намоён қилмоқда. Мамлакатимиз терма жамоаларининг аксарият вакиллари ушбу ўйинларда тайёргарлик мактабини ўтаб, айни пайтда йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда, Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқда.



Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ушбу ҳужжатда спортчиларимизни Олимпия ўйинларига пухта тайёрлаш вазифалари, яъни спорт федерацияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатларда мураббий ва ҳакамларнинг малака оширишини ҳамда спортчиларимизнинг ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда яна ўнлаб спорт объектлари барпо этиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Спортчиларимизнинг XVII ёзги Осиё ўйинларидаги иштироки мутахассис ва мураббийларимизга Олимпиадага йўлланма олиш учун курашадиган атлетларимизнинг маҳоратини синовдан ўтказиш, уларнинг салоҳиятини баҳолаш имкониятини берди.

Осиё ўйинларида қўлга киритилган медалларнинг катта қисми олимпия спорт турлари билан шуғулланадиган ёшларимиз ҳиссасига тўғри келди. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Рустам Ассакалов, Дилшоджон Турдиев, Бекзод Абдураҳмонов, Рашид Қурбонов ва бошқа полвонларимиз ўзбек кураш мактабининг юксак салоҳиятини намойиш этиб, терма жамоамизга 3 олтин, 1 кумуш ва 3 бронза медалини келтирди.

— Бу менинг Осиё ўйинларидаги биринчи иштироким ва илк олтин медалимдир, — дейди эркин курашчи Бекзод Абдураҳмонов. — Президентимиз томонидан ёш спортчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик, оилам ва яқинларимнинг муҳаббати шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишимга куч берди.

— Мен Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўрдим, — дейди юнон-рум курашчиси Рустам Ассакалов. — Ғалаба қозониш осон кечмади. Мамлакатимизда спортчилар учун яратилган қулай шароит, давлатимиз раҳбари томонидан уларга берилаётган улкан эътибор ва рағбат бу ютуқда асосий омил бўлди. Мен Ўзбекистонни севаман ва ғалабамни Ватанимга бағишлайман.

Таэквондо (WTF) бўйича спортчиларимиз қўлга киритган 4 медаль уларнинг Осиё ўйинларига тайёргарлиги тўғри ташкил этилганидан далолат беради. Жасур Бойқўзиев биринчи олтин медалга сазовор бўлди. Ака-ука Никита ва Максим Рафаловичлар, Дмитрий Шокин кумуш медаллар билан тақдирланди.

Мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор самарасида бугун ўнлаб спортчи қизларимизни бутун дунё яхши билади. Осиё ўйинларида иштирок этган спортчи қизларимизнинг ғалабалари ҳам буни яна бир бор яққол исботлади.

Гимнастикачи қизларимиз Анастасия Сердюкова, Жамила Раҳматова, Валерия Давидова ва Равиля Фархутдинова юқори тайёргарлик ва ғалабага бўлган катта иштиёқни намойиш этди. Уларнинг ҳалқа, тўп, булава, лента билан мураккаб машқларни бажариши мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлди. Мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрган спортчиларимиз жамоавий баҳсларда Жанубий Корея, Хитой Тайпейи, Хитой, Япония, Қозоғистон ва бошқа давлатлар вакилларини доғда қолдириб, мамлакатимизга навбатдаги олтин медалларни келтирди.

— Осиё ўйинларининг ғолиби бўлганимиздан ғоят бахтиёрмиз, — дейди Валерия Давидова. — Зеро, бундай нуфузли мусобақаларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиш ҳар бир спортчининг орзусидир. Биз ҳам буни жуда хоҳладик ва жиддий тайёргарлик кўрдик. Орзуларимиз ушалди. Осиё ўйинларида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди ва давлатимиз мадҳияси янгради. Энг муҳими шу!

Ёш оғир атлетикачимиз Маҳлиё Тоғаева беллашувларда ўзининг юксак маҳоратини намойиш этди.

— Бундай йирик спорт мусобақасида терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медални келтирганимдан хурсандман, — дейди М.Тоғаева. — Мусобақада рақобат шунчалик кучли бўлдики, ҳатто Олимпия ўйинлари совриндорлари ҳам медалсиз қолди. Осиё ўйинларидаги муваффақиятим мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёш ва иқтидорли спортчиларни рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Ушбу мусобақаларда енгил атлетикачиларимиз ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Лондон Олимпиадаси финалчиси Светлана Радзивил баландликка сакраш мусобақасида 1 метру 94 сантиметр натижа кўрсатиб, хитойлик рақибини ортда қолдирди ва олтин медални қўлга киритди.

Кумуш медаль соҳиби енгил атлетикачи Леонид Андреев ҳам мухлису мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлди. У ўзининг юксак маҳоратини намойиш этиб, 100 метрга югуриш, узоқликка сакраш, ядро улоқтириш ва баландликка сакрашда юқори натижалар кўрсатди.

Енгил атлетикачиларимиз Надежда Дўсанова ва Иван Зайцев ҳам мамлакатимиз терма жамоасига иккита бронза медали келтирди.

Боксчиларимиз ҳам кўплаб медалларни қўлга киритди. Шаҳобиддин Зоиров ва Исроил Мадраимов кумуш, Ойбек Мамазулунов ва Мирзоҳиджон Абдуллаев бронза медалларига сазовор бўлди.

Эшкак эшувчи спортчиларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, 5 медални қўлга киритди. Мамлакатимиз терма жамоасининг ғалабали одимларини иқтидорли спортчимиз Алексей Мочалов бошлаб берди. У 1000 метр масофага байдаркада эшкак эшиш баҳсларида Эрон, Қозоғистон ва Хитой вакилларини ортда қолдирди. Иккинчи бўлиб пойгага икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков чиқди. У 1000 метр масофага каноэда эшкак эшиш баҳсида Қозоғистон, Хитой ва Жанубий Корея спортчиларидан ўзиб кетиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Каноэда жуфтлик пойгаларида қатнашган Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев дуэти Осиё ўйинларининг бронза медали совриндори бўлди. Байдаркада эшкак эшиш бўйича тўртликлар ўртасидаги пойгада Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов ва Александр Тропин ҳам бронза медалини қўлга киритиб, мухлисларни хурсанд қилди. Шу тариқа улар Ўзбекистон байдарка ва каноэчилари Осиёда етакчилардан эканини бутун дунёга яна бир бор намойиш этди.

— Ғалаба қозонганимга ҳалигача ишонолмаяпман, жуда ҳаяжондаман, — дейди Алексей Мочалов. — Аслида олдиндан ғалабани мақсад қилгандим ва мусобақага жиддий тайёрлангандим. Ватанимизга яна бир олтин медаль туҳфа қилганимдан бахтиёрман.

Спортчиларимизнинг XVII ёзги Осиё ўйинларида эришган ютуқлари мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга нечоғли улкан эътибор қаратилаётганини яна бир карра намойиш этди. Истиқлолдан аввал спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда иштирок этишини тасаввур қилиб бўлмасди. Бундай нуфузли мусобақалардаги ғалабалар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Бугун спорт мухлислари, бутун халқимиз XVII Осиё ўйинларида ғалаба қозонган спортчиларимизни хурсандчилик ва фахр-ифтихор билан кутиб олмоқда.

■ ЎзА




## Ҳамкорликка қўшилади

**Австралия ҳукуматининг эълон қилишича, мамлакатнинг ҳарбий самолётлари Ироқдаги «Исломий давлат»-га қарши тузилган коалицияга қўшилади.**

Бош вазир Тони Аббott парламент олдидаги чиқишида қуролли кучлари тўла жанговар амалиётларга қўшилиши хусусида бир қарорга келинмагани, бироқ самолётлари Ироқ осмонида парвозларни амалга оширишини айтган. Унинг фикрича, «Исломий давлат» бутун дунёга уруш эълон қилган, шу боис у ўз мамлакатида ҳам, хорижда ҳам таъқиб қилиниши керак.



Австралия аллақачон Ироқ Курдистонидаги курд айирмачиларига қурол-яроқ етказиб ҳамда инсонпарварлик ёрдами бермоқда. Мамлакатнинг 60 нафарга яқин фуқароси хориждаги жиҳодчи гуруҳларга қўшилган.

## «Patriot» учун буюртма

**АҚШ давлат департаменти Саудия Арабистонига «Patriot» ракеталари етказиб беришни маъқуллаган.**



Пентагон ҳарбий ҳамкорлик бошқармаси матбуот хабарномасида қайд этилишича, лойиҳа қиймати 1,75 миллиард долларга тенг. Саудия Арабистони 202 та «Patriot» (PAC-3) русумли ракета ҳамда 36 тўплам ишга тушириш қурилмаси, битта ракета-нишон, икки тўплам телеметр ва 6 та компьютер учун шартнома имзолашни сўрамоқда. Бундан ташқари, тузилиш эҳтимоли бўлган шартномада ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ҳам кўзда тутилади.

Бундай мажмуа мамлакатга илк бор 1990 йилларда келтирилган. «Patriot» Саудия Арабистонидан ташқари, АҚШ, Исроил, Германия, Нидерландия, Греция, Испания, Баҳрайн ва Жанубий Корея қуролли кучларида ҳам мавжуд. «PAC-3» баллистик ракеталарни 35 километргача бўлган масофада ушлаб қола олади.

## Хавфли вирус таҳдиди

**Сьерра-Леонада ўта хавфли эбола касаллигининг тарқаш суръатлари соатига беш кишига етган.**

«Save the Children» хайрия ташкилотининг баёнотига кўра, бу соғлиқни сақлаш тизими учун улкан муаммоларни туғдирмоқда. Ҳозирда зудлик билан эболага қарши эмдори ишлаб чиқиш ҳаракатлари олиб борилмоқда. Британия ва АҚШда бу каби эмдорининг икки тури синовдан ўтказилмоқда.

Иситманинг баландлиги ва марказий асаб тизимининг бузилиши эболанинг асосий белгилари саналади. Вируснинг инкубацион муддати 21 кун.



Шу вақтгача касаликка чалинганлар орасида ўлим ҳолатлари 90 фоизгача бўлган.

Ҳозирга қадар жаҳон бўйича ушбу касалликдан салкам 3350 нафар киши вафот этди.

■ **Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

ХАБАР

## Янги санъат мактаби

**Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Янги Қўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида янги болалар мусиқа ва санъат мактаби иш бошлади.**

■ **Расул КАМОЛ «Mahalla»**

Мазкур таълим маскани Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида «Қўқонагроқурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан жаҳон андозаларига мос тарзда бунёд этилди.

Янги таълим муассасасида барча шароитлар яратилган, ўқув-машғулот хоналари замонавий жиҳозланган. 150 ўринга мўлжалланган мактабда икки юздан зиёд ўқувчи анъанавий ижрочилик, эстрада хонандалиги, ўзбек халқ чолғулари, зарбли ва дамли чолғулар, хор ижрочилиги, хореография, тасвирий санъат йўналишларида малакали мураббийлардан сабоқ олмоқда.

Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил 15 октябрь, чоршанба куни чиқади.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

## Таълим ва тарбияда масъулият ҳам, назорат ҳам бирдек зарур

**Жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган ва интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Бундай эзгу мақсадни амалга оширишда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.**

■ **Холбиби САФАРОВА «Mahalla»**

— Ҳудудимиздаги Кармана саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳамда 27-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда иш олиб борамиз, — дейди Кармана тумани Ҳазора қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Паҳлавон» маҳалласи раиси Комил Жабборов. — Зеро, бу масканларда юртимиз эртанги кун эгалари — ёш авлод таълим-тарбия олмоқда. Боз устига улар маҳалланинг, яъни бизнинг фарзандларимиз. Шу боис коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ва 9-синф битирувчиларини коллеж-лицейларга қамраб олишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мактабни битирган қизлар касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этилиб, уларнинг ота-онасидан 12 йиллик мажбурий таълим талабларини бажариш, касб-ҳунарли бўлмасдан туриб фарзандини турмушга узатмаслик ҳақида кафолат хатлари олинди.

Йиғиннинг «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасидаги режасига кўра, йил бошидан буён ҳудуддаги таълим муассасаларида қутлуғ саналар муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича тиббий, ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.



Бундай ҳамкорлик натижасида коллеж ва мактабда ўқувчилар davomати яхшиланиб, таълим самарадорлиги ошди. Маҳалла фаолларининг ҳушёрлиги ва қатъий назорати туфайли ҳар бир ўқувчи дарсларга масъулият билан ёндашмоқда. Юзага келган муаммолар маҳалланинг аралашуви билан тезда ҳал этилаётир.

— Фарзандлар таълим-тарбиясида ота-оналарнинг масъулияти ва фаоллигини ошириш жуда муҳим, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Орзигул Раҳмонова. — Арзимас баҳоналар билан боласини дарсдан олиб қоладиган ёки фарзанди мактабга боришни истамаса таълим олиш унинг бурчи эканини уқтирмайдиган ота-оналар ҳам учрайди. Ҳамкорлик тизимида ушбу масалани изчил муҳокама қиламиз. Тарғибот ишлари, тушунтиришлар боис сўнгги пайтда бу каби муаммолар барҳам топди.

Маҳаллада «Ораста қизлар даврасиа» тўгараги, «Ота-оналар университети»нинг йўлга қўйилгани фаолият самарадорлигига замин яратаётир.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: М.Мелиқулова
Нашр навбатчиси: Т.Низомов
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Нашр кўрсаткичи: 148 20090 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1062 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00